

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИ БУЙИЧА МУХИМ МАНБАЛАР МАВЗУСИДА ТЕЗИС

Садинов Маъруфжон Нормумин ўгли

Самарканд давлат чет тилар институти

Нарпай хорижий тиллар факултети тарих фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10004641>

Шайбонийлар даври ҳарбий соҳаси билан боғлиқ манбаларни қуйидача туркумларга ажратиш мумкин: 1) форс тилидаги манбалар; 2) туркий-ўзбек тилидаги манбалар; 3) ҳорижий сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари.

Бу асарларни мавзу манбашунослиги доирасида, яъни улардаги шайбонийлар даврида қўшин тузилиши, таркиби, таъминоти, ҳарбий, ҳарбий-маъмурий амалдорлар ва уларнинг қўшинни бошқаришдаги, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокига оид маълумотларни таҳлил қилиб ўтамыз.

Шайбонийлар даврининг маданият соҳаси ва таълим тизими нисбатан муфассал баён этилган манбалар ичида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг форс тилида ёзилган “Шарофномаи шоҳий” асари муҳим аҳамият касб этади. “Абдулланомани” номи билан машҳур бу асар мавзу манбашунослигида алоҳида ўрин тутди. Асарнинг қўлёзма нусхалари қўп, асл матннинг учдан икки қисмини Санкт-Петербурглик олима М. Салоҳиддинова русча таржимаси билан чоп этган¹. Китоб 1942-1952 йиллари С.Мирзаев ва охириги қисми Ю.Ҳакимжонов томонидан 60-йилларда ўзбек тилига таржима қилнган. У 1995-1997 йилларда икки китоб ҳолида Б.Аҳмедов томонидан нашр этилди².

Асарда шайбонийлар давридаги таълим тизимига оид қимматли маълумотлар бошқаларига қараганда бир оз кенгроқ ёритилган³.

Форсий тилда битилган манбалар ичида даврий кетма-кетлик жиҳатидан Мулла Шодийнинг “Фатҳнома” асари ишимизнинг илк манбаларидан бири ҳисобланади. Бу асар тарихий мавзудаги шеърӣй дoston бўлиб, Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд Султон топшириғи билан 1502 йилда ёзилган. Унда Ўзбек улуси ва Мовароуннаҳр ҳудудида кечган Шайбонийхон таваллуд топгандан (1451) то 1501 йил июнғача бўлган асосий воқеалар кенг ёритилган⁴.

Шайбонийлар даврига оид яна бир муҳим манба Шайбоний Абдулатиф Султон (Самарқанд хони, 1540-1551) ҳукмронлигининг бошларида Шайбоний Кўчкунчихон (1510-1530)нинг собиқ котиби Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний тарафидан ёзилган “Тарихи Абулхайрхоний” асаридир.

Асарда Дашти Қипчоқда Абулхайрхон давлатига асос солиниши, Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг Мовароуннаҳрға келиши, саркардалари, уларнинг қайси уруғға мансублиги (буркут, дўрмон, ийжон, кенегас, қиёт, қўнғитор, қушчи, масит, тубойи,

¹Ҳофиз-и Таниш Бухори. Шарафнома-йи шаҳи (Книга шахской славы) / Введение, перевод, примечание, указатели М.А. Салахетдиновой. – М.: Наука, 1983. Ч.I. – 293 с.

²Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланомани (Шарифномаи шоҳий). 1-2 жилд. – Т., 1999-2000.

³Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланомани. // Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, илмий муаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов – Т.: Шарқ, 1-китоб, 1999, 57, 92, 93, 135, 154, 194, 199, 201, 203, 223, 243, 254, 255-бетлар.

⁴Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: - Ўқитувчи, 2001, 199-бет.

уйшин, қудағай, манғит, мулуж, найман, уйғур, чимбой, қорлиқ, нукуз, тимат, туман-минг, ўтарчи ва ҳ.к.), турмуш тарзи сингари маълумотлар келтирилган⁵.

2. Бу даврга оид манбалар ичида туркий-ўзбек тилида яратилган асарлар алоҳида ўрин тутади. Туркий тилларда ёзилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, муаллифи номаълум “Таворихи гузида” – “Нусратнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг “Зубдат ул асар”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарлари⁶да шайбонийларининг маданий ҳаёти тўғрисида баъзи маълумотлар мавжуд.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари туркий-ўзбек тилида 1493-1529 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган асардир. Ундан Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографияси, ҳарбий санъатига оид нодир ва қимматли маълумотларни топиш мумкин. Асарнинг асли номи “Бобурия” бўлса-да, уни “Воқеаннома”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий” деб атаганлар, кейинчалик асар “Бобурнома” номи билан машҳур бўлиб кетди.

References:

1. Хофиз-и Таниш Бухори. Шарафнома-йи шаҳи (Книга шахской славы) / Введение, перевод, примечание, указатели М.А. Салахетдиновой. – М.: Наука, 1983. Ч.I. – 293 с.
2. Хофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом (Шарифномаи шоҳий). 1-2 жилд. – Т., 1999-2000.
3. Хофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. // Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, илмий муаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов – Т.: Шарқ, 1-китоб, 1999, 57, 92, 93, 135, 154, 194, 199, 201, 203, 223, 243, 254, 255-бетлар.
4. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: - Ўқитувчи, 2001, 199-бет.
5. Тарихий манбашунослик. – Т.: “Фан”, 2006, 225-бет.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008; Таворихи гузида – Нусрат-наме. // Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акрамова. Ташкент “Фан”, 1967; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1990;
7. Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдат ул-асар. ЎЗР ФАШИ, Инв. № 608; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1990.

⁵Тарихий манбашунослик. – Т.: “Фан”, 2006, 225-бет.

⁶Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008; Таворихи гузида – Нусрат-наме. // Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акрамова. Ташкент “Фан”, 1967; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1990; Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдат ул-асар. ЎЗР ФАШИ, Инв. № 608; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1990.